


V. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар 2017 йилнинг январь-декабрида 1 776 та кичик бизнес субъектларини (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) ташкил этиш имконини берди. (2016 йилнинг шу даврига нисбатан 19,5 фоизга кўпдир).

Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2017 йил январь-декабрь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)



Энг кўп кичик бизнес субъектлари қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (жами ташкил этилган субъектларнинг 32,2 фоизи), саноат тармоғида (22,8 фоиз), савдо соҳаси (14,0 фоиз) ва курилишда (8,8 фоиз) ташкил этилган.

2017 йилнинг январь-декабрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан:

– 738,9 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 51,4 фоизи) ўзлаштирилди ва 2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 95,9 фоизни ташкил қилди;

– 542,3 млрд. сўмлик курилиш ишлари (курилиш ишлари умумий ҳажмининг 91,3 фоизи) бажарилди ва 2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 101,1 фоизни ташкил қилди;

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1 402,1 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 61,3 фоизи) ёки 2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 101,8 фоизни ташкил қилди;

– 1 850,9 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб (вилоят жами хизматлар ҳажмининг 74,2 фоизи), 2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 102,3 фоизни ташкил қилди;

– чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 94,3 фоизи ёки 3 242,8 млрд. сўми (ўсиш суръати 100,0 фоизни ташкил қилди) шакллантирилди;

– 88,2 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 75,8 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 102,5 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 86,9 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди;

– автомобиль транспорти юк айланмасининг 102,1 фоизга (вилоят жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 98,2 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 102,8 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 98,0 фоизи) кўпайиши таъминланди;

– 384,1 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 82,0 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 183,1 минг нафари яқка тартибдаги тадбиркорлар, 94,2 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди.

2017 йилнинг январь-декабрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши 74,2 фоизни, саноатда – 61,3 фоизни, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 99,7 фоизни, қурилишда – 91,3 фоизни, экспортда – 75,8 фоизни ва бандликда – 82,0 фоизни ташкил қилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши

